



## Ислом Нури

Аллоҳ таоло айтади:

**«Биз қиёмат куни учун адолатли мезон-тарозилар қўюрмиз, бас, бирон жонга заррача зулм қилинмас. Агар хардал (ўсимлигининг) уруғидек (яхши ёки ёмон амал қилинган) бўлса, ўшани-да келтирурмиз! Биз Ўзимиз етарли ҳисоб-китоб қилувчидирмиз» (Анбиё: 47).**

**«Бу Кунда ҳар бир жон ўзи қилган амали билан жазоланур. Бу Кунда (ҳеч кимга) зулм қилинмас. Албатта Аллоҳ тез ҳисоб-китоб қилувчи зотдир» (Ғофир: 17).**

«Қиёмат куни ҳар бир жоннинг қилган амали билан жазоланур. Бу Кунда (ҳеч кимга) зулм қилинмас. Албатта Аллоҳ тез ҳисоб-китоб қилувчи зотдир» (Ғофир: 17).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимнинг зиммасида биродарининг обрў-номусига нисбатан қилган зулм ё (моли ё жонига қилган зулм каби бошқа) бирон нарса бўлса, шу бугун, динор ва дирҳам бўлмайдиган кун келишидан олдин ундан қутулиб олсин. (У кунда) агар унинг солиҳ амали бўлса, зулми миқдорича ундан олинади, агар савоблари бўлмаса, биродарининг гуноҳларидан олиниб, унга юкланади», дедилар (Бухорий ривояти).

«Қиёмат куни ҳар бир жоннинг қилган амали билан жазоланур. Бу Кунда (ҳеч кимга) зулм қилинмас. Албатта Аллоҳ тез ҳисоб-китоб қилувчи зотдир» (Ғофир: 17).



## Ислом Нури

«...» :...  
... «...» :...  
...  
...  
...  
...  
...  
...  
...  
...  
...  
...  
...  
... «...».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Муфлис (қашшоқ, сариқ чақасиз кимса) нималигини биласизларми?» деб сўрадилар. «Бизнингча, муфлис - на дирҳами, на бирон матоси бўлмаган одам» деб жавоб беришди. «Умматим ичидаги муфлис шундай одамки, қиёмат кунинда намоз, рўза, закот билан келади, бироқ кимнидир сўккан, кимгадир туҳмат қилган, кимнингдир молини еган, кимнидир қонини тўккан, кимнидир урган ҳолда келади. Шунда савобларидан унга, бунга олиб берилади, савоблари зиммасидаги ҳақлардан қутулишга етмаса, уларнинг гуноҳларидан олиниб, бунга юкланади, сўнг дўзахга отилади», дедилар (Муслим ривояти).

### Шарҳ:

Қиёмат куннда тўла адолат билан ҳукм қилинади, ҳеч кимга зулм қилинмайди, бировнинг бошқа бировдан кўрган зулмлари тўла қилиб қайтарилади. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қиёмат кунндаги қасосга қолдирмасдан шу дунёнинг ўзида ҳақлардан қутулиб олишга йўллаганлар.



**Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:**

1. Аллоҳ таолонинг тўла адолати;
2. Одамларга зулм қилиб қўйишдан сақланиш лозимлиги;
3. Мазлумга золимнинг савобларидан олиб берилиши, агар унинг савоблари етмаса бунинг гуноҳларидан олиб унга юкланиши.